


© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1976 (тарж.)



МИХАИЛ  
ЛУКОНИН

---

ШЕЪРЛАРИМ—  
ЎРТОҚЛАРИМ

Шеърлар

Б. Гафур Гулом номидаги  
адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1976

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1976 (тарж.)

## ДУСТЛАР УЧРАШУВИ...

...Тошкентда уч-тўрт кунгина бўламан деб, салкам бир ой қолиб кетдим. Бунинг ўзгача маъноси бор! Чўнтагимда билет бўлса ҳам, лекин ҳали Ўзбекистон билан хайрлашганим йўқ, мен Нукусга, Қорақалпоғистонга учиб кетяпман, баҳор тошқинлари билан тўлғаниб ётган Амударёни кўриб, унинг нафасини тинглагим келди.

Ҳали баҳор келмасдан баҳор нафасини туйишнинг ўзгача завқи бор. Москвада ҳозир совуқнинг забти сусайган, лекин ҳали эрувгарчилик ичида кўклам нафасини илғаб олиш қийин. Тошкентда эса гоҳо ёмғир аралаш қорлар ёғиб турса ҳам, ҳаво очилиб, кун чарақлаб турган кезлари кўкламнинг нафасини аён сезасан,— кўкракларинг кўклам ҳавоси билан тўлади, осмон шу қадар тиниқки, уфқларнинг поёни йўққа ўхшаб кўринади, юрагингдаги торлар таранглашади, баҳор бу тор қилларини аста черта бошлайди.

Ўзбек совет шеърятининг отаси Ҳамза Ҳакимзода юбилейи муносабати билан мамлакатимизнинг жуда кўп адиблари Тошкентга йиғилишди. Тошкентда ўтказилган Ҳамза кунлари кўпчилик ижодкорларнинг қалбларини

ифтихор туйғулари билан тўлдирди. Чунки Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодияти биз учун ғоятда ибратли, халқ манфаати йўлида яшаш ва меҳнат қилишнинг ажойиб мактабидир.

Бизнинг учрашувларимиз — чинакам дўстлик учрашуви, дўстларнинг учрашуви бўлди. Мен ўзимни худди янги бир оламга кириб қолгандай ҳис қилдим, негаки, ўзбек шеъри билан Москвада танишиш бошқа-ю, унга қанот ва юксак парвоз бағишлаган масканда ошно бўлмоқ, шеърнинг жарангини шоирларнинг ўз оғизларидан эшитмоқ бошқа. Ғафур Ғулум, Уйғун, Шароф Рашидов, Яшин, Ҳамид Ғулум, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин билан Москвада ҳам кўп учрашганмиз. Лекин дўстлар билан улар учун ҳайратомуз қўшиқ бўлган юртда учрашиш бутунлай бошқача туйғу бағишлайди.

Мен йўлда Ғафур Ғулум билан ҳамсафар бўлдим. Сафар чоғлари шеър саси тинган кезни эслай олмайман. Ғафур халқ ҳаётининг, шеърининг ғоятда зўр билимдони. Ғафур Ғулумнинг айтган ривоятлари ва шеърлари мазмунини менга П. Қодиров қисқача тушунтириб берарди. Мен унинг шеърларида ва сўйлаб берган ҳикояларида теран донишмандлик, ажойиб юмор, қайноқ қалб кўрини яхши ҳис қилдим. Поезд Тошкентга яқинлашиб борар экан, Ғафур Ғулум шунчалар ҳаяжонланиб кетдики, асти қўяверасиз.

Ҳозир Тошкентни биринчи марта кундуз куни кўриб турибман. Илгари мен Душанбага бора туриб, тунда самолёт кутиб икки марта Тошкентга қўниб ўтганман. Улкан замонавий шаҳар уйқуга ғарқ бўлиб ётарди. Тун яримдан ошган ва мен ҳар сафар таксида шаҳар кўча-

ларидан ўтиб, Полиграфия кўчасидаги мўъжазгина уй олдида тўхтаган ва мени уй соҳиби кутиб олган, сўнг кузатиб қўйган эди. Уша пайтлар у ўзининг янги «Тириклар ва ўликлар» романини эндигина ёзиб тугатган эди. Чамамда самолётда учиб келиб менинг қулоқларим қанчалар шанғиллаб турган бўлса, у ҳам ўшанда бунчалар юксак ижодий парвоздан гарангтоб эди. Ҳозир бу роман китобхонларнинг сеvimли асарлари қаторида туради. Уша пайтда ҳали адибнинг иш столида тайёр бўлиб турар эди.

Ушанда Симонов Ўзбекистон ҳақида, Тошкент тўғрисида кўп сўйлаган эди. Биз балкон эшигини очиб қўйган, баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб шимирган эдик.

Мана энди, Тошкентга учарканман, у менга Тошкент хотираларини ҳаяжонланиб сўйлаб берарди. Унинг Тошкентда икки йил яшагани, Ўзбекистон адиб ҳаётида ўчмас излар қолдиргани билиниб турарди.

Ҳозир қонимда бу ўлка баҳорининг нашидалари кезар экан, ўттизинчи йилларда Ўрта Осиё жуда кўп рус ёзувчиларини тўлқинлантиргани, юракларига илҳом солганини эсладим. Леонид Леонов, Николай Тихонов, Павел Павленко, Владимир Луговской, Григорий Санников, Сергей Бородин, Ильф ва Петров сингари моҳир санъаткорлар умр бўйи Ўрта Осиё баҳорининг тароватини кўкракларида асраб келган эдилар. Бу ерда Есенин ҳам бўлган дейишади. Маяковский бир гуруҳ ёзувчилар билан Ўзбекистонга бориш истагини билдирган эди. Бу нега рўёбга чиқмай қолганлиги менга қоронғи. Мен буни афеусланиб эслаيمان. Владимир Луговской ўзининг энг сара асарларини Ўрта Осиёга бағишлаганлиги бе-

жиз эмас. Менинг қадрдон дўстим Сергей Бородин эси Тошкентда яшаб, ижодини республика маданиятининг тараққиётига бағишлади.

Яқингинада Ўзбекистонга келиб, ўзбек китобхонлари билан учрашувлар ўтказган Михаил Светлов, Ярослав Смеляков, Петр Сажин сингари талантли совет шоирлари ҳам бу учрашувлардан ажойиб таассуротлар олган, қайноқ ҳаёт уларни янги ижодий парвозларга руҳлантирган эди.

Буларнинг бари — адабий алоқалар намунасигина эмас, қардошлик, руҳий яқинлик, халқларимиз ўртасидаги ғоявий бирдамликнинг ифодаси, қон-қардош дўстлигимизнинг намунаси эди.

Халқларимиз ўртасидаги улуғвор ҳамкорлик ва иттифоқ адабиётларимизнинг уфқларини ғоятда кенгайтирди, шунинг учун ҳам ўзбек шоирларининг овози Россияда ҳам, Украинада ҳам, Латвияда ҳам барала жарангламоқда. Биз адабиётларимизнинг мана шу ўзаро таъсири билан қудратлимиз.

Тожикистонда ўтган ўзбек адабиётининг ҳафталиги эсимда. Ушанда мен Душанбада эдим ва дўстлигимиз рамзи ўлароқ ўзбек шоирлари сафида учрашувларда Асқад Мухтор билан ёнма-ён туриб шеър ўқидим. Тожики дўстлар бизни юракдан англадилар.

Дўстлигимизнинг муҳим ва мураккаб масалаларидан бири бу — таржима масаласи. Мен Тошкентда ўтган зиёлилар активи анжуманида ўртоқ Шароф Рашидов ўз нутқи давомида бир неча маротаба адибларимизнинг таржимачилик фаолиятига тўхталиб ўтганлигини эшитдим. Дарҳақиқат, кўпгина таржималар оригинал-



нинг жозибасини етказиб беролмайди. Адабиётларимизнинг равнақи, ўзаро бойиши йўлида таржимачилик устида янада ғайрат қилиб ишламоқ керак.

Ўзбек шеъриятининг рус тилига қилинган таржималари ичида гоятда муваффақиятли чиққан намуналари ҳам бор. «Огонёк» кутубхонасида нашр этилган Симонов таржималари жуда тез тарқалиб кетди. Москвада таксида кета туриб, мен баногоҳ Зулфиянинг «Урик гуллаганда» шеърини ўқиб юборганимда, шофёр шу китобни топиб бўлармикин, деб сўради. Бундай китоблар қанча кўп бўлса шунча яхши, чунки ҳаётни темир-бетон схемаларга солиб кўрувчи баъзи бир ўта замонавий кишиларнинг фикрига буткул қарама-қарши суратда шеъриятга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Шоир одам тарбиячи ва муаллим бўлмоғи керак, у бошқалардан кўра узоқроқни кўради. У ўз елкаларида тарихий масъулиятни ҳис қилиши, давр нафасини сезгирлик билан англаши лозим.

Агар у бу йўлдан четга оғиб, ҳали фикри камолга етмаган, туйғулари қуюлиб улгурмаган баъзи бир ёшларнинг майда истаклари, ноаниқ дидлари йўлида ижод этса, арзон чапакларга учиб, уларга қурбон бўлса, бу билан чинакам шеъриятга хиёнат қилган бўлади. Бу обрў-этибор орттиришнинг ноумносиб йўлидир. Бундай шоир бугуни учун келажагини қурбон қилади, чунки бугун у чалган бонгга, унинг «кашфиёт»ларига оғзини очиб анграйиб турганлар эртага унинг ҳаётий эмаслигини, у қалбларга сурур бағишлай олмаслигини, ҳаётдан йироқ эканлигини яхши англаб оладилар. Шун-

да бу шоир ҳаётни чуқур акс эттирмаганлиги, тингловчиларини жарангдор қофиялар билан лақиятланганлиги, ҳаётий, ҳаётбахш ғояларни тараннум қилмаганлиги равшан кўриниб қолади.

Мен Тошкент университети олдидан ўтиб, ёш замондошларимнинг шодон, чарақлаган чеҳраларини, меҳнатда қадоқ бўлган қўлларини кўрганимда мана шулар ҳақида ўйладим. Уларга жозибали, ҳаёт нафаси билан тўлиқ шеърят керак. Уларга бир дамлик ҳиссиётлар тасвири эмас, юракларни ларзага соладиган, муҳаббат қўшиқлари керак. Улар турли тинғир-тинғир минғирлашларни ёқтирмайдилар. Уларга хонаки генийлар эмас, орзуси ва матлаби юксак шоирлар керак.

Бизнинг совет шеърятимизнинг овози ҳозир баралла янграб эшитилмоқда ва бу янғироқ симфония ичра ўзбек шоирларининг овози ҳам авж пардаларга кўтарилгандир.

*Михаил Луконин.*

## БЕРЛИНДА 9 МАЙ

Магазин ёнида

зангин болта, теша,

Чалғи, плуг ҳам молалари.

Косилкада ўлтирибмиз.

Рўпарада эса

Таслим бўлган шаҳар вайроналари,

Қаршимизда

Берлин бўйлаб ўтиб

Совет кишилари ташлайди қадам.

Тинчликнинг илк куни

Қуёш ялов тутиб

Булут орқасидан боқади ҳар дам.

Ҳов, очиқ ҳавода

қурумга тўлган

Қаққайган мўрилар кўринар элас.

Гўё кимдир кўчаларни иситмоқ бўлган,

Аmmo печка ёқиш энди шарт эмас.

Тинчликнинг илк куни!

Томар илиқ ёмғир,

Хавфсизлантирилди сўнгги миналар.

Магазин олдида суҳбат гангур-гунгур,  
Солдат билан тўлган зиналар.  
«Уқ отманглар!» деган буйруқ олган эдик,  
Бундай пайтда ҳар сўз жуда ҳам таглик,  
— Отмаганим бўлсин! Тинчлик келди!—

дедик,—

Хўш, қани, йигитлар, бир тутатайлик!  
Биз бу кунга келдик даҳшат тунларидан,  
Биз бу кунни дея қон кечдик.  
Бизнинг анъанамиз маълум илгаридан:  
Фақат ғалабадан бошланар Тинчлик!

Бир-биримизга узоқ тикиламиз,  
Гўё узоқ ҳижрон энди орқада.  
— Нима бўлди?—

жилмаямиз,

аммо биламиз —

Нимадир юз берди ҳар ҳолда...

Мана,

ғижимланган

катак дафтарим,

Узоқ ёшликдаги ўйлар, орзулар,

Ишқий шеърлар,

болалик аҳдларим...

Унутилаёзганди улар.

Плугни ағдариб,

ярқироқ тишига

Дафтаримни қўйиб варақлай кетдим.

Болалалик қайтаркан кишига,

Болалик чоғимни ҳис этдим.

Уша вақтлардаги орзуларимиз ҳам  
Олам-жаҳон экан!

Мана биз ғолибмиз.

Ҳамон чексиз олам,

Олам мунча улкан!

Кимдир яқинлашди ёнимга бесас,

Ялт этиб қаради дафтаримга у.

— Ҳа, Вася, нима гап?

Йўқ, хатлар эмас,

Ўқи, болаликнинг элчилари бу...

— Менга шу кун маъқул, Ғалаба кун!—

Қлов пуркагандай ҳар сўзни дерди,—

Ғарих мангуликка танлади уни;

Биласанми нима юз берди?

Эр бўлиб етилди ўша болалар!

Ҳаёт бошланади яна изма-из.

Ҳаёт пойдор, чекинди балолар,

Бахтни курашларда сақлаб қолдик биз.

— Бугун нечанчи кун?

9-нчими?—

Мен тураман, плашимдан ёмғир қуяди.

— Биз ғолибмиз!— дейди

қўшиб

бор севинчини,

Косилканинг дастасини ўнглаб қўяди.

Кечагина атакада мисли қуюндай,

Танкдан танкка югурардиқ довул сингари.

Зафар йўли, узоқ йўллар ўтилди шундай,

Шундай ўтди бу урушнинг ўтли йиллари.

Тўрт йил шиддатига бардош бердик, бас,  
Ғалаба байроғи халқим қўлида  
Энди бизни йўлу йиллар қарита олмас  
Ғолиб юртимизнинг бахти йўлида!

1945

## ФРОНТ ШЕЪРЛАРИ

Агар китоб тўқисаму  
  бирин-бирин унда ёзсам:  
Гиёҳдаги,  
  оқ қордаги,  
  ҳам ердаги қоннинг рангин,  
Бузуқ кулба олдидagi  
  ўлиб ётган йигитни ҳам,  
Яна ёзсам:  
  ёвга  
  ўлим  
  қандай кўмак беражагин  
Ва атасам  
  китобимни  
  тўғри «Фронт шеърлари» деб,  
Том-том бўлиб тонналарга  
  айланарди неки битсам,  
Фронтга-ку, асқатарди:  
Узоқ тунлар гоҳ ушук еб  
Блиндажда печга қалар  
  яйраб сержант Иванов ҳам.

Мана сержант Иванов хўп  
печкавойни гуриллатар,  
Исинади,  
уйқу келмас,  
хайрон,—  
ахир тун-кеча-ку!  
Бақрайганча катта шинак  
дала томон нигоҳ қадар.  
Теваракда кезмоқда ой...  
Шудир, фронт шеърлари шу!  
Мана сержант Иванов хат ёзар милтиқ қўндоғида.  
Қайда яшар,  
қандоқ яшар,  
овқати соз,  
йўқ-ку қайғу,  
Қайтиш яқин,—  
«Кутяпсанми?»—  
саломнома сўнгроғида:  
«Ўзингни кўп уринтирма!»  
Шудир, фронт шеърлари шу!  
Мана сержант Иванов  
шарт сафни жангга чорлаб қолди,  
Найзаларни ўқталганча  
чошиб борар аскарлар.

у

Юзларидан артар терин,

(Юмушлардан ҳориб-толди)

Жилмаяди дўстларига...  
Шудир, фронт шеърлари шу!



Ивановнинг шаҳри мана,  
Қор ёғмоқда,  
қош қорайган.

«Красная Талка» клуби.  
Мажлис борар.  
Тинган шов-шув.

Ивановнинг маҳбубаси  
сержант хатин ўқийди шаън,

Ҳамма турар,  
қўшиқ айтар...

Шудир, фронт шеърлари шу!  
Шундоқ: фронт шеърлари —  
зафарият туйғулари,

Меҳнат ила жасоратга  
ундар доим,  
тиним билмас!

Барча — у ён, буюк жангга макон бўлган  
майдон сари,

Гоҳо унда ўладилар.  
Улар эса, улар ўлмас!

1943

## НОН ИИЛИ

Уйқудан уйғониб,  
Ишончга тўлиб,  
Волгага боқаман,  
Сахий, қотиб жим.  
Дарахтлар оралаб  
Чумчуқлар учар,  
Шамолдан соҳиллар  
Билмагай тиним.

Бир вақтлар бўлганди  
Менда бу ҳолат,  
Узлуксизлик ҳамда  
Мангулик туйғуси.  
Тулупносдан нари —  
Қуйи оқимга қадар,  
Тикилганча кузатардим,  
Гапнинг тўғриси.

Мен учун ўнг қирғоқ  
Эди бир жумбоқ,

Ечиларди бир-бир  
Кўзим ўнгида.  
Сеҳрли матодек  
Кўринди дарҳол,  
Чаманзор соҳилим  
Кулиб сўнгида.

Қандоқ ёз ўзи бу?  
Ёнади йўллар,  
Қирлар ҳам малла ранг,  
Бугдойзор ҳар ён.  
Мендан сўра, юртим,  
Жиддийроқ сўра,  
Гапга қолдирдимми  
Ушандан буён?

Қўшиқ ҳам бошида  
Бермади тутқич,  
Жўровоз бўлмади  
Сўз билан наво.  
Ҳамюртларим боқди  
Ҳайрон, лол қолиб,  
Олдинга талпинган  
Уғлига аммо.

Узин кўз-кўз қилиб,  
Волга ҳам оқар,  
Йиллар ўтди ерни  
Яшнатиб кўклам.  
Йўл билмас болани

Олиб бағрига,  
Шоир деб бошига  
Кўтаришди ҳам!  
Юртдошларим\*, яна  
Она ўлкамда,  
Сиз билан учрашиш  
Этибди насиб.  
Сўзда ботирлармас,  
Елка билан кучлисиз,  
Нутқ айтмоқни кўрибсиз  
Менга муносиб!

1970.

---

\* Николаевликлар ва биқовликлар кўзда тутилади.  
(Тарж.)

## ПАХТА

Тўғри,  
ариқ оқар бунда ёз-баҳор,  
Тўғри,  
нақ тепадан қиздирар офтоб.  
Усишига қуёш,  
Зилол сув тайёр,  
Она-ер ҳам жуда-жуда меҳнатбоп.  
Мотор ҳайқириғи қўйнидадир ер,  
Канал шовуллайди кўм-кўк, дилрабо.  
Худомас, кишилар ерга тўкиб тер,  
Безар,  
Пенсияда жамики худо.  
Гарчанд пахта енгил,  
Нози кўп аммо,  
Осон бўйин бермас, хўп меҳнат талаб.  
Чигитдан гул бўлиб, оқаргунча то,  
Баданинг қорайиб кетса не ажаб,  
Бекорга ўсмас-ку, таёқ ҳам ҳатто.  
Чевар аёлларнинг меҳнатига боқ.  
Нафис ва учқурдир қўллар парвози.

Пахтазор барқ уриб, очилгач оппоқ.  
Унга шундай эъзоз-эътиқод лозим.  
Ҳа, бу — пахтамиздир,

оддий қуёшмас,  
Гул эмас, безанса дастурхон-базм.  
Ғалла билан пахта осмондан тушмас,  
Она-ерга қилмоқ керакдир таъзим.  
Советлар юртида яшаб фаровон,  
Бошқаларга таъзим қилмаслик учун,  
Иттифоқ ҳосилин этиб минг хирмон,  
Она-ерга таъзим қилайлик мамнун.  
Буюк ҳаракатда халқ толмас, девкор,  
Ишимизга жаҳон лол қолса арзир.  
Пахта қўйилмаган бекордан-бекор  
Қуёшли республикалар гербига, ахир.

## САША ШЧУКИНГА

Орзу-умид бўлиб чилпарчин,  
Қайтмаганда умр ортига,  
Сўқир қайғу босиб келар жим,  
Қулоқ солмас  
Кўнгил додига.  
Бугун сенсиз бораман гунг-лол.  
Далада йўқ жанг ҳам, сурон ҳам.  
Хўроз бўлиб қайдадир алҳол  
Садо берар  
Сўнгги Лиховкам.<sup>1</sup>  
Саша, қандай қуладинг сен, мункидинг-кетдинг,  
Кетдинг, кетдинг ўша машъум томонга маңа.  
У ерда-ку,  
    бизникилар анчага етди.  
Кимдан энди сўрайин мен:  
Бугун қай сана?  
Ҳаётим!  
Мен — жиноятчи фиррому чапдаст,

---

<sup>1</sup> Днепрнинг ўнг соҳилидаги қишлоқ, у ерда менинг  
қўстим ҳалок бўлган ва дафн этилган эди.

Бори мендан кетиб борар, ранги йўқолиб,  
Мен-чи, суюк сўзларни хор айлаб,  
этиб паст,

Ноёб ҳисни сув қадарли  
Кафтимга олиб,  
Мушукчадай тирмашаман умр дарахтига,  
Шамол суриб туширади.

Йигирма тўрт ёш.  
Гердайиб мен содиқман  
Боз чиқмоқ аҳдига,  
Сайёрада шамол қаттиқ!  
Қўймайди бевош.

Саша,  
Юрсанг бўлмасмиди коинотда жим,  
Сибирона кўзинг қисиб,  
Боқиб ҳар маҳал,  
Қадамингдан тўлса шу Ер  
Ўзгармас, қадим,  
Хурсанд бўлсанг.  
Хурсанд қилсанг.  
Адашди ажал!

Саша,  
Кеча сенинг тонггинг бошланди фақат,  
Ўртамизда ёлғиз бори  
Тўқима бир ғов.  
Чақирсайдинг мени,  
Озроқ қилсайдинг тоқат,  
«Алвидо!» деб,

Сўнг ўрнингни олардим дарров!  
1942





Чанангни ҳам топиб оларман,  
Бувижонинг қолар бу ёқда,  
Бувижонинг қаттиқ қўл-ку хўп,—  
Шарт оларман сени кучоққа,  
Новдалардан қор тушар тўп-тўп!  
Икковлонмиз аёзда ёлғиз,  
Изғиринли мартнинг шамоли.  
Қўйиб иссиқ юзларингга юз,  
Соғинчлардан бўларман холи.

Салом сенга,  
Она қизгинам,  
Ҳали ёшсан,

шундан эҳтимол,  
Уқолмассан мактубимни ҳам,  
Англамоғинг, балки, кўп маҳол.  
Кўнглингга ҳеч ботмасин оғир:  
Фақат сенмас ўпка қилганлар!—  
Катталар ҳам, қарасам, ҳозир  
Соддаликни хушлар эканлар.  
Олма, дерлар, вақтимиз бекор,  
Терс қарашар,

қилишар зарда.

Алифбода  
Босма ҳарфлар бор.  
Ёзгин бизга ўша ҳарфларда.  
Сал қулоққа ёқимли бўлсин,  
Равон чиқсин гапирганда гап.  
Оғизга ҳам тушмоқлик мумкин  
Кубчалардан қофия ясаб.

Сенинг билан кулмоқ қандай соз,  
Биз ҳар доим кулайлик бирга.  
Кунлар чиқар кунларга пешвоз,  
Йил алмашар бутун умрга.

Ёз ўтади

ёз каби қайноқ,

Қишни қувиб

келиб қолар қиш —

Кейин эса,

сенга, қизалоқ,

Насиб бўлар бу хатни ўқиш.

Салом сенга,

Жажжи гулгунчам.

Йироқлардан ёзмоқдаман хат.

Кун нуридан чароғон кўча

Шеър сатридай қилар ҳаракат.

Бунда тоғдан кун чиқар наҳор,

Қиш-чи,

энди уйқуга машғул.

Бу йил ёзда

тўртинчи баҳор

Қаршиларсан, оппоғим,

бор бўл!

Бунда тоғлар силсилалари

Санчилгандир кўкка бус-бутун.

Алангали гулларнинг бари

Далаларга чиқипти бугун.

Сен туғилган кунда, қошингда

Турайлик деб анвойи, гулгун,

Сочилайлик, дея бошингдан  
Сен томон йўл олдилар бугун.  
Қадам-қадам йўл юриб, қизчам,  
Дон,

Волгани босиб ўтарлар,  
Ўтиб Москва дарёсидан ҳам  
Саратонда

сенга етарлар.

Кутиб олгил айти ёз чоғи,  
Сен деб улар очдилар гунча.  
Улар гулмас,

олис тупроғим

Саломидир сенга бугунча.

Кўз олдимда: малла ранг кокил —  
Учларини шамол тарайди.

Гоҳ шодлик,

гоҳ қайғуга мойил

Ҳорғин кўзлар менга қарайди.  
Кўз олдимда малла ранг кокил...  
Гуржистондан ёзарканман хат,  
Сенинг билан овунди бу дил,  
Юрагимда ўзингсан фақат.

## ОФТОБ ҚАСИДАСИ

(Лилеога<sup>1</sup> иқтибос)

Елқинли тонгларингга минг шараф-шон,

офтоб,

Сенинг билан умримиз ҳур, фаровон,

офтоб.

Сен гирдобсан, қаърингда олов ва нур,

офтоб.

Табассуминг заминга мангу ҳузур,

офтоб.

Қўшиқнинг ҳар сатрига жо бўлибди

офтоб.

Ҳар бир бошоқ, куртакка йўғрилибди

офтоб.

Бизлар билан биргадир яхши-ёмонда,

офтоб.

Оқин сувлар сатҳида, мазалик нонда

офтоб.

Ҳар бир уруғлик донда, ҳар бир данакда

офтоб.

---

<sup>1</sup> Дилеа — «Офтоб қасидаси», қадимги грузин қўшиғи.

Эндигина туғилган митти гўдакда  
офтоб.  
Севикли ёр кўзида, дарча юзида  
офтоб.  
Ешлик шижоатини сезгай ўзида  
офтоб,  
Ям-яшил ишкомлару майсазорларда  
офтоб.  
Бизнинг руҳ ҳам вужудда, чеҳрада бор-да,  
офтоб.  
Бизнинг зафарли одим, бизнинг тантана —  
офтоб.  
Замин узра гул фаслин бошлай бер яна,  
офтоб.  
Ҳаёт, инсон, заминга кулиб боқур,  
офтоб.  
Одам насли тугамас, сочаркан нур,  
офтоб.  
Инсонга узоқ умр айлар ҳадя  
офтоб.  
Шарафлаймиз, қутлаймиз бор бўл дея,  
офтоб.

## ВИСОЛ КУНЛАРИ

Мен Ватанга қайтганимда

яна бир эслаб қолдим:

Тонгда шаҳрим кузатгани

урушнинг тўнг қишида,

Эшелонлар, кўз ёшлари...

Орзиқиб кетди қалбим.

Висол кунларига етдим мен қувонч оғушида.

Кўрдим — Брест яқинида сарҳадимиз сойлари,

Кўк майсага қўнар эди паровоздан ис-қурум.

Мени пайқаб бир қалққандай Брянск

қарағайлари

«Тирикмисан?» деди гўё,

«Тирикман!» деб қичқирдим.

Майдонларда

Москва

мени

қўлларига кўтарди.

Шунда кўрдим тинч оламнинг

тонгги тароватини.

Деразалар ёруғ,

завод трубалари тутарди,  
Шунда кўрдим инсонларнинг бахту саодатини,  
Ҳам ўйладим:

Мана шунинг барини кўрмоқ учун  
Яна зарур бўлиб қолса ўлим билан олишмоқ  
Ва такрорлаш керак бўлса

у тўрт йилни бус-бутун,

Иккиланмай,

тарк этардим

висол кунларин шу чоқ!

1944





Ҳайратга тушмангиз,  
йўқдир бунда сир.

Антенналар —  
гўё яшинсипари,  
Нақадар зангори баҳор осмони!  
Гарчи бу урф бугун қолди-ку нари,  
Каптарлар куйида —  
кўнгил баёни.

Баҳор бу,  
Волгада сузмак вақтидир.  
Пайт етди,  
ўзгарар жумла олам ҳам.  
Қизлар билмас  
бахтдан яйрарми бағир,  
Ёки кўзни ёшлаб  
Кетарми алам...

## БАҲОР

Қўлни бер,

    жилгадан ўтайлик, моҳруй,  
Қирсиллаб синар муз оина тахлит.  
Тор кўча бошида жимжит бизнинг уй.

Кетайлик,

Кеч бўлди;

Қайдадир калит?

Ана,

    Олтин қозиқ кезар осмонда!

Боқ:

    уйга элтяпман,

        жануб томонга!

Юлдузнинг жимжима гуллари таниш:

Боқ:

    мағриб —

        ҳижрону видо,

        зор йўли,

Машриқ — васлу висол,

        ёниш,

        ўртаниш,

Жануб —

уй,

интиқлик,

интизор йўли.

Баҳорий саҳарнинг ҳавоси аёз.

Қўлни бер!

Утган йил,

апрель кунлари,

Танкнинг тирқишидан кўрувдим барин...

Қулоқ сол:

юпқа муз қирсиллайди боз.

Безовта зағчалар

чуғурлаб қолар.

Қулоқ сол,

дунёда сукунат, бироқ

Қулоқлар

жарангли садога тўлар,

Бутун эл уйқуга чўмгандир бу чоқ.

Тўянам ўрнида

олгил бемалол

Шу тунни!

Нўш айла баҳорнинг майин.

Олақол, ол —

никоҳ узуги мисол

Боғ кўча ҳалқасин!

Сенга атайин!

---

<sup>1</sup> Шоир сўз ўйини қилмоқда: обручальное кольцо — никоҳ узуги. Садовое кольцо — Боғ кўча ҳалқаси, машҳур кўча номи. (Таржимон.)

Қўли бер,  
сўзсиз ҳам,  
барчаси аён.

Баҳорий Москва!  
Дилга яқин, соз!  
Бу уйни кўрдиму  
Шошдим у томон,  
Сукунатни суюб,  
Тинчликка пешвоз.

1946

## СЕН

Тушунчамда  
жонланади  
ишқ бутун.  
Сен — қалбимда,  
севгинг,  
йўлимда йўлдош,  
Сен — меники,  
мен бўлсам бас.  
сен учун,  
Кўзларингда  
Кузатсанг — ёш,  
Кутсанг — ёш...  
Бироқ, айтсам,  
эмассан кўп соддаваш,  
Сезгирлигинг  
қолдиради баъзан лол!  
Гап қайтармоқ феълинг қайдан, эй маҳваш,  
Иззат-нафси  
ўйламайсан эҳтимол.

Уйловдим:

мен сенга  
ҳаводай зарур!

Ҳоҳишларим —  
деганимдан  
зиёда.

Сен севасан —  
демак,  
мендан ортиқ,  
зўр

Кимса йўқдир  
сенинг учун  
дунёда!

Сен-чи, баъзан дейсан:  
Кўзинг очиб боқ,

Сусайма,  
Соз бундоқ,  
бу ёққа юрсанг...—

Сен ўзгалар олдида беиштибоҳ  
Хатойимни

Юзимга шарт солурсан.

Дилимга ранж етса  
дердим тутоқиб:

Менга шахсий мунаққид ҳеч керакмас!

Жилмаясан  
одатий балқиб,  
боқиб,

Аламларим  
елга учгай  
мисли хас.

**Уйловдим:**

сен паноҳимда  
                                бемалола  
**Мўмин-қобил**  
**юражаксан**  
                                бахтиёр,  
**Жилғалардан**  
                                олиб ўтгум безавол,  
**Қуёшларга**  
                                элтмоқ сени  
                                дилда бор.  
**Ундоқ бўлмас,**  
                                Аксинча:  
                                сен чўзиб қўл,  
**Қаддинг тутиб**  
                                сўз ташлайсан  
                                устомон:  
— **Иккимизга етар**  
                                дейсан,—  
                                катта йўл!  
**Боражаксан**  
**Қадам ташлаб**  
**Ёнма-ён!**

**Шундақасан жоним!**  
**Мен сенга айтсам,**  
**Бир-бирова**  
                                ўхшайсизлар —  
                                сен,  
                                ҳаёт.



Фаҳмлайман,  
    кун ба-кун  
        ҳар он, ҳар дам  
Керакроқсан,  
    қадринг ошиб борур бот.  
Тайёр ҳолда учрамагай бегумон  
Барчага хос севги —  
        тўқилур доим.  
Ҳануз, ақли теракликда бир уммон,  
Кўк кўз ила кулмоқдасан мулойим.

1954

## КУЗ

Тонглар яна аёзли,  
                                ҳар ер-ҳар ерда ҳалқоб,  
Қуюн янглиғ айланади  
                                шафақлар товланиб ол.  
Заъфарондир эманлар,  
                                Барглар пириллар шитоб.  
Осилгандир булутлар  
                                хил-хил плакат мисол.  
Куюк печлар тин қотмиш.  
                                Уларга тафт шарт эмас.  
Қишлоқ сокин.  
                                Подалар кўча чангитиб келмас.  
Аммо тонг отаётир!  
Биз борамиз бу чоқда,  
Тонг олдида,  
                                минорда ҳилпирайди бир байроқ.  
Куз, куз!  
Днепр узра шаҳар хаёл сурмоқда,  
Бу Киев-ку! Киев бу!  
Киев узра байроқ, боқ!

Офтоб совиб боради  
бир тақсимча бамисол,  
Лекин барча кўчада.  
Шодлик элни излайди.  
Уйларни иситарлар,  
келтирар экан похол,  
Кулишарлар:  
Тез,  
Ҳалқоб,  
Само,  
Дарча —  
музлайди!  
Бизлар-чи, кетмоқдамиз!  
Атроф дала заъфарон,  
Гоҳи офтоб иситар,  
гоҳи жунжитар аёз.  
Бунинг бизга фарқи йўқ,  
янги шинель олибон,  
Тахларини ёздигу  
белларни боғладик соз!  
Урмонларда,  
барг узра  
ёмғир оқади сим-сим,  
Замбараклар гумбирлар.  
Намнок йўлда армонда  
Соқчи олдида борар  
кўкарган фрицлар жим,  
Руснинг кузи уларга «Туф!» демоқда ҳар онда!

1944

## ИУЛ

Ярослав Смеляковга

Икки мушкул ҳижрон,  
  маҳрумдир хайр-хушдан,  
Икки висол онидан,  
  қамашибди кўзлар.  
О, йўллар, чақинли,  
  эрта тонг — субҳидамдан  
Хотирда муҳрланган  
  сенинг ваъдангдан сўзлар.  
«Хўп, майли»,— дейсану  
  кафтинг билан итариб,  
Маст бўламиз эртанинг  
  ишқида, отиб хандон.  
О, ўша учрашув  
  хаёлдан кетмас нари,  
Мен эслайман.  
  Сен-чи?  
Қўлни бергандик чиндан.  
Йўл эса сўзларди  
  шу дам «Қани, кетдик» деб,  
Мағрур йўл чалмасди

олқиш чилдирмасини.  
Гуллар ҳам бўлмасди  
асло поёндоз ва зеб,  
Ҳатто таратмади  
хушбўй атир исини.  
Йўлда бораётир  
гитарчи йигитмас, йўқ,  
Кетаётир чин дўст,  
ердай ишончли, ўртоқ.  
Бу йўл поёнсиздир,  
чексиз, имон бўлсин тўқ,  
Бу йўл-чи, шунчаки  
кўча сайримас, бироқ.  
Вақт шамоли эсар  
қаттол ва ёқимтой,  
Бу йўлда кураш бор —  
тўқнашув ва жанг.  
Йўлда олишувга  
ҳозирмисан ҳойнаҳой,  
Курашларга, жангларга  
тутгил ёш ишчи елканг!

1960

## ҲАМЗАНИНГ УЛМАСЛИГИ

Тўхтангиз, ўртоқлар, содиқ куйчининг  
Ерқин сиймосини эслайлик такрор.  
Ҳар бир дақиқада шуҳрати унинг  
Сўнмас ёғду бўлиб порлашга тайёр.  
Шаънига тўқиймиз эртақ ва қўшиқ,  
Кўрсатсин ҳурматнинг намойишини.  
Ҳурмат — бу мадҳига меҳнатни қўшиб,  
Давом эттирмоқдир унинг ишини.  
Ахир, унинг қалби тош эмас эди,  
Севарди, кўксида жўшиб ураркан,  
Умрим бўлсин асрга тенг демас эди  
Муқаррар ўлимни олар эди тан.  
У юрак бамисли ўқ тешган байроқ.  
Инсоний севгига ҳар лаҳза мойил.  
Хусумат қоп-қора кўлка солароқ  
Ярадай у дилни эзар эди зил.  
Кураш ташналиги ёнар кўзида,  
Кураш иштиёқи, зўр ҳаяжоннинг —  
Тафти шуълаланар унинг юзида,  
Йўлида бораркан Шоҳимардоннинг.

Паҳлавондай савлатга эмасди танҳо,  
Қонган ҳам эмасди ҳали ҳаётга,—  
Ўзин куй бўлишин ўйламас ҳатто,  
Қаҳрамон бўлишни келтирмас ёдга.  
Томирида қайнар меҳнат ва ижод,  
Соф дил, жасур эди, мақсадга етди.  
Халққа ҳурмат билан у қолдирди от,  
Ёвга нафрат ҳиссин қўзғатиб кетди.  
Вақт келди, ўлимни қилмасдан писанд,  
Ҳаётин бахш этди у халққа, юртга,  
Шахсий манфаатдан юксалиб баланд,  
Умум бахти учун отилди ўтга,  
Оталар қонида жўш урган шу куч,  
Ватанни яшартиб қилмоқда гулгун.  
Мана шу жасорат, фидокорлик, бурч  
Совет характери аталар бугун.  
Шундай бошланганди бу улуғ кураш,  
Маяковский дилида гурлаган садо.  
Бизнинг дилларга ҳам солгандир оташ,  
Бу ижоднинг сўнгги бўлмагай асло.  
Бизни уюштирар улуғ бир қудрат,  
Боку комиссарин бунда қони бор.  
Ҳамза ва Жалилнинг ҳаёти ибрат,  
Мисралар янграйди мағрур, жарангдор.

Бизнинг байроқларнинг ҳеч ўлмас шони  
Жўшиб куйлагандир шундай шоирлар.  
Улар ўлмаслигин боиси ҳам шу,  
Халқимиз уларни мангу қадрлар.

## КЕЛАМАН

Уйлайсанки,  
Қошинга ҳолсиз,  
Ҳорғин вужуд билан келаман.  
Қандоқ қилиб,  
Кун бўйи,

ёлғиз

Сенинг билан уйда қоламан?  
Ажаллардан сўйлайми бир-бир,  
Майсаларнинг ёнганими ё,  
Сен-чи —

сен ҳам яшадинг оғир,  
Сен ҳам ором билмадинг асло.  
Тирик қолдим, шундан сўйлай мен,  
Улим мени куйдирди ёмон.  
Сен-чи, ўша машъум тунда

сен

Сузиб ўтдинг Волгани омон.  
Куйла, дейман.

Фаромуш хаёл,  
Унутгансан куйни, жонона.



Кейин

мени

қолдиради лол,

Саришта-ю саранжом хона.

Саҳар туриб тайёрлайсан чой,

Қисинарман мен-чи,

пучмоқда.

Авваллардек

ҳозирлайсан жой,

Полда

ухлаб қолгум

бу чоқда.

Кейин айлаб тоқатингни тоқ,

Дарвозадан очаман кавак,

Тунда,

сени

айлайман сўроқ:

— Тўхта! Қим у?!

Йўқ, қўрқма, малак!

Мен келмасман бундоқ, бу йўсин,

Бу қадами катта урушда

Балоларга ўргандик бутун,

Паст-баландни кўрдик турмушда.

Бошқачароқ қайтармиз бу кун,

Опичлабон хаёл ва ўйни:

Ишлаш учун,

тутатиш учун,

Кўмиш учун тутунга ўйни.

«Раҳмат айт!» деб,

таъма қилибмас,

Раҳмат айтмоқ учун еларман.  
Ёвдан олдим — неки қилдим қасд.  
Тер тўкмоққа энди келарман.  
Юпанч деб-мас,  
                                юпантирмоққа  
Остонанга қўюрман қадам.  
Неки қилдим,  
                                шошиб сен ёққа —  
Марҳаматмас,  
                                бурчимдир, санам.  
Меҳмон бўлмоқ,  
                                дўст-ёрни кўрмоқ,  
Гул ҳаётдан  
                                борини  
                                олмоқ,  
Иссиқ жойда уйқуни урмоқ,  
Ишқ сўзларин куйларга солмоқ...  
Бу шамолли шафақда ошкор  
Берилмишди бизга тор имкон:  
Дилсиз бўлиб қайтгандан, минг бор  
Қўлсиз қайтган яхшироқ, жонон.

1944

## ГРУЗИН ШОИРЛАРИГА

Гуржи шоирлари —  
тоғларнинг янги роғи деярман сизни!  
Йироқлардан туриб биларман,  
Мен сеҳрли қўшиғингизни.  
Гарчи унда  
менинг қалбимдан  
Грузия олмаганди жой,  
Ер меҳвари сингари, оппоқ,  
Оқ чўққилар,  
Мукамал чирой.  
Мен билмасман гуржи тилини,  
ҳа, айбимга иқрорман ўзим.  
Нақшин,  
гўзал саҳифаларга  
ҳаяжонли термуламан жим.  
Айтолмасман гуржи тилида  
бирон калом, ё бир оғиз гап.  
Оғзим тўла  
русча сўз,  
Сўзлар

Қўнғироқдай  
Турар гувиллаб.  
Гуржи шеърин тўлқинли сеҳри  
Дилга яқин, кўнгилга аён,  
Унда тилнинг шаъни-шавкати,  
                                салобати бўлмиш намоён,  
Қандай соз,  
Биз, бўронлар ичра  
Бардош топиб ўтган одамлар,  
Синдирмадик тилларин,  
Қайта дарёларга қўймадик номлар.  
Ҳа, кўп нарса йўқолиб битар,  
Кўп нарсадан қолмас ҳатто из.  
Эсперанто тилида куйлаб,  
                                шеър ёзмагай  
                                одамлар ҳаргиз.  
Бир бор қалам тортмоқ билан,  
                                йўқ,  
                                халқ тилига келмайди завол!—  
Тилларимиз худди дарёдир,  
                                Волга мисол, Кура бамисол.  
Тил — халқларнинг мулки саналур,  
                                топган эмас бирон гапдон.  
Қўшилмасин, қўйинг,  
                                керакмас,  
У ёғини —  
Кўрсатар замон.  
Гуржи шоирлари, сиз — дарё:  
                                тин билмайсиз, ҳайқириб, оқиб.  
Исмिंगизни айтиб берурман,

Шарқираган дарёга боқиб.

Кура!— дейман, қулоқ соламан.

Арагва!— Ҳа, биламан барин!

Энгури!—

Шеър уммони аро кўргум унинг эҳтиросларин.

Шеърингизга наво бергали

куйлаб оқар

Хонис Цекали.

Техури — тинч?— Бўлмаган гап.

У бўронларда топди сайқалин!

Риони!—

Оҳ, келар шу они

қулоғимга шивир-шивирлар.

Алазани деган сўздаёқ —

Шеър яшайди не-не асрлар.

Квирила гувиллар?—

Унинг шоирлари гўшанишинмас.

Цхенис Цекали

қоя тошларни

шеър сатридай

парчалар.

Тинмас!

Хотирамда, дўстлар, барчаси:

Дехқонча урф,

Ҳароратли қўл,

Ёниқ кўнгил,

афсунли қўшиқ,

чўққиларга ўрмалаган йўл...

Лекин бундан

Анча муқаддам,

Кичик уйда,  
Волга бўйида,  
Грузия тиклаган эдим.  
Қўшиқлардан хаёл — ўйимда.  
Сўнг жангларда,  
                                дориламонда  
                                орзулардан қиларкан ҳузур.

Чамалардим,  
Мўлжаллар эдим,  
Турар эди ёруғ тасаввур.  
Ростин айтсам:  
Шошилмас эдим учрашувга,  
                                келса-да, кези,  
Қўрқар эдим —  
Балки шеърдаги тимсолига ўхшамас ўзи!  
Юртга содиқ,  
Грузиянинг шоирлари,  
Сизга ташаккур —  
Алдамади шеърят,  
                                маъсум тушларимни, минг марта шукур.  
Россияда бўлгандай бари таниш,  
                                дадил кирдим бу боққа,  
Грузия шоири монанд,  
                                Грузия — она-тупроққа.  
Шодлиги ҳам, ғами халқ билан,  
Ватанни дер ҳар битта сатри.  
Шул вайданким  
Грузин учун  
Баланд эрур шеърят қадри.  
Сиз, фаҳримсиз, дўстларим,

Мен ҳам  
Россияни куйлаб юрурман,  
Шул ваяданким,  
шеъриятга мен  
мансублигим билан  
мағрурман.

\* \*  
\*

Сен турган жой кўп олис эди-да;  
Мен урушда эдим. Ундан ҳам олис.  
Иккимиз дунёнинг икки четида.  
Осон эмас эди сенга ҳам ёлғиз.

— Сабр қил, кут!— дея, уч ёзу уч қиш,  
Уч ёзу қиш ўтиндим сендан.  
Энди эса ўша серташвиш  
Ҳижрон кунларидан хурсандман.  
Хайриятки, сен ўша-ўша,  
Бўлмаса дунёда қандай юрардим;  
«Нега тунлар сокин, бу қандай гўша,  
Бу қандай гул?» дея кимдан сўрардим.  
Кимдан сўрардим мен:

«нега бу жойда  
Окоплар йўқ, нега тинч бу ер?  
Нима қилса, қачон ва қайда,  
Қандай туғилади яхши шеър?»  
Ким англатар эди:

«Мана бу — дунё,



(О, оғир ташналик кезлари!)

Манà бу — барг;

илдизлар гўё —

Кечаси қуёшнинг нурли излари».

Ахир сен

сеҳрли сўз айтиб, кўплаб,

Меҳринг билан қаддим кўтардинг.

Бўлмаса,

пулемёт уясин ўйлаб,

Қуш уясин кўрмай ўтардим.

Мен тушундим:

васлу ҳижронлар —

Ҳаётда ҳаммаси бўлиши мумкин.

Сен борсанки, азобли онлар,

Бахтли онлар кечирдим мўл-кўл.

Сен ўргатдинг:

кўк ўт

дунёда

Яшириниш учунгина-мас.

Тунги юлдуз учса самода

Мен уни сигнал деб ўйламайман, бас.

Еш бола ногора чалганда,

Кўкда янграганда момақалдироқ,

Ё ҳовлида бўрон қўзғалганда

Мен урушни ўйласам,

шу чоқ

Билмаганга олгин, жоним, ўзингни,

Дил тубига боқа бил майин,

Токи мен ҳам кўриб кўзингни,

Яна севгимиздан сўзлай олайн.

Ахир уруш ўтда, даҳшатда  
Рағбатлантирганда қасос ҳиссини,  
Иккимиздан биримиз албатта  
Сақлаши шарт эди қалб севгисини.  
Яхши ҳам олисда экансан,  
Яхши ҳам ўртада айрилиқ...  
Куну тун йўлга кўз тиккансан,  
«Тиқ» этса боққансан қайрилиб,  
Яхши ҳам урушнинг тутуни, заҳри  
Кўзларингга парда тортмади.  
Ўзимнинг бошимдан кечирганларим  
Иккимизга етиб ортади!

1944



Исминг нима?  
Отангнинг исмини ҳам айт!  
Танҳоликман, мен — танҳо!  
Ҳаёт шундай қисмат айлади ато.  
Қулоқлар янграйди  
                                кулгу,  
                                қуш наъмасидан,  
Ҳали кўзларимда ғайрат рамзи бор.  
Бунинг бари  
Сохта улуғлик тамғасидан  
Мушук-сичқон ўйини  
                                ёлгон  
                                ва маккор.  
Бир-биримиз учун  
Бизлар ўлганмиз.  
                                Тирилмаймиз, йўқ.  
Икки танҳо орол,  
                                орамизда масофа узоқ.  
Уртамизда муздан қоя қотибди содиқ,  
Висол унут бўлган.

Қолган бир фироқ.  
Танҳолигим, бардам бўлайлик бирга  
Енгил нафас олай,  
Соғлом тиниқликка ташна,  
Бир сен мададкорсан  
        бутун умрга.

Сен оби-ҳаётим —  
        томирда чашма.

Исминг нима?  
Отангинг исмин ҳам айт!  
Мен — танҳоликман!

## КИТОБДАГИ ЁЗУВ

Китобимни очингиз дарров,  
Парвозларга шайланг қанотин!  
Қанотларин бўшатиңг,

сўнгра

Юлдуз каби томоша айланг.

Билсайдингиз,

учмоқ ва елмоқ

Унинг ёлғиз аҳди,

муроди,

Сиз борсизки,

уни қафасдай,

Жавонларда

босиб ётмас чанг.

Успиринлар,

қарангиз менга,

чаккамга ҳам

оралабди оқ.

Қизлар,

Ортиқ тикмайсизлар кўз,

боқмайсиз ҳам,

гапнинг рости-да.

Китобимни очингиз —

Унда

йиллар,

ўйлар,

орзулар порлоқ.

Ўз-ўзингиз таниб олурсиз

кечмиш кунлар инъикосида.

Кулгунгизда.

умидингизда,

ишингизда

бўлурман аён.

Томиримда

жўшади қоним

Нафасингиз — шарорингиздан.

Ҳамроҳимсиз,

шу бас,

олдимда

Ип эшолмай қолгуси замон,

Бўлажакман

шаксиз мужассам

Изҳори ишқ,

иқрорингизда.

Бу — китобмас,

бу — менман,

ҳа, мен.

Бу — шеърлармас,

юрак зарби бу.

Сиз борсизки,

мен ёшман.

Севгум:

Само,  
Замин,  
Утларни рўй-рост.  
Эй, жанговар авлодим, менинг  
Ёнингизда  
тинмасман мангу.  
Бирга-бирга яшайман мангу,  
Юрагимда  
завқу эҳтирос!

1959

## ЕЗ

Ез фаслидай келди,  
Настенькам, қизим,  
Қуйиб қўйгандайин  
онасин ўзи.  
«Сафарга кетяпман,  
Сафарим йироқ»—  
Дебон ҳаммамизни айлади огоҳ.  
Ненидир шивирлар титраган лаби,  
Қўллари иссиқки,  
кўнгил куяди.  
Волга ила Ока  
қаърлари каби,  
Кўзлари  
сир тўла боқиб қўяди.  
Неча  
ёшга кирдинг?  
Ўн етти баҳор!  
Тикилиб қарайман  
соатга алқол.  
Йиллар қисматида



Утмоқ.

Йитмоқ бор,  
Қирғоққа урилган  
тўлқин бамисол.  
Ул ёзда ҳам бўлгай  
шундоқ тўполон,  
Оғирлашиб қолгай мевали шохлар,  
Настянинг ёш умри  
барин  
бегумон  
Тепган юрак билан  
суюб,  
ардоқлар.

Ёзда

зуғум этар  
момақалди роқ.  
Далани тўлдирмиш  
пишган ўт ҳиди,  
Шингил-шингил бўлиб  
буржлар  
тунда гоҳ  
Шундоқ бошгинангда  
осилмиш эди...  
Оҳиста  
қўлингни ортга ташлабон  
Энг яқин юлдузга  
тикарсан нигоҳ,  
Дунёнинг қувончи,  
ғами  
ўшал он

Қошингга келурлар  
Йиғилиб тоғ-тоғ.  
Сенга дейдигим шу:  
    Настя, құрқма ҳеч,  
Журъат-ла яшашдан,  
    ошкор яшашдан!  
Заминда яшамоқ!  
    Бу — бахт,  
    бу — севинч,  
О, онанг сўйласин,  
    бу ажиб гаштдан!  
Сурон кўтармоқда  
    тўлиб-тошган ёз,  
Биз уни эслармиз  
    қайта ва қайта.  
Ун еттига кирдинг,  
    умрингга парвоз —  
Тилайман,  
    мен сенга ташаккур айта.  
Сўнгги лаҳзаларни  
    кўрсатар соат,  
Йўқ, сенинг умринг ҳам,  
    йилинг ҳам ҳали!  
Ҳали тонг,  
Сен ўзинг — ибтидо,  
    хилқат!  
Дунёга келяпсан  
    энди яралиб!  
Езга кулиб қара,—  
    Анастасия,

Бахтиёр қисматдан  
топишиб ҳузур,  
Икки онанг —  
Марина-ю Россия  
Бошингда туришар  
мамнун ва мағрур.

1962

## МЕНИНГ УЙИМ

Қайга борсам —  
    уйим ўшал ер доим,  
Далалару,  
    дарёлару,  
    ўрмонлар.  
«Мана,— дейман,—  
    менинг туғилган жойим»,  
Қишлоқларга термилганим  
    замонлар.  
Шошилмагин,  
    тўхта,  
    ўткинчи, бирпас!  
Сенинг дилкаш  
    дўстингман-ку,  
    ҳой ўртоқ!  
Уйинг ахир  
    уйимдан  
    туб ўзгамас,  
Бир-бирига жуда ўхшар,  
    ўйлаб боқ!

Тасарруфда

неки бордир  
менга хос,—

Сеникидир,

сенинг мулкингдир бари:

Зўр заводлар,

яшнаб ётган  
гўзал, соз,

Шаҳарлару,

Кўчалару,

Шеърларим.

Тўхтанг, ҳой қиз,—

қаранг, неча замонлар,

Танишимиз биз.

Нечук унутаё?

Сабаб?

Ушанда-чи,

дилга солиб  
туғёнлар,

Чорраҳада

кетвордингиз  
қўл силтаб!...

Урмонлар-чи?

Жавдарзор-чи?

Айтай рост:

Менинг қорним

тўйғазган ҳам  
шу жавдар.

Шўх булбул-чи?

Сайраб берди хуш овоз,

Булбул,  
сен деб  
    ҳавони покладим соз,  
Сен деб  
    ерга ишлов  
    бердим-ку, жавдар!  
Тўхтаг, она,  
    кўпдан излаганим — сиз.  
Қарздорман сиздан!  
    Бўлиши мумкин:  
Шу дарчани  
    чертганмидим,  
    айтингиз,  
«Бекач» дея  
    чорлабмидим  
    бирор кун?  
Иўловчилар,  
    инонингиз,  
    оғамиз.  
Кўришганмиз  
    юз бор,  
    минг бор,  
    биз қадим.  
Асрадингиз  
    ўлимлардан  
    мени сиз,  
Сизни отмоқ бўлганга  
    мен ўқ отдим.  
Ватан ичра  
Кезажакмиз бемалол.

Кир, йўловчи!

Мен сўнг боргум сен томон.

Кимки келса —

уйим ўшанга ҳалол,

Қайга борсам —

у ер уйим бегумон.

1946

## МУШОИРА

Келинг,  
Мушоира  
Қурайлик бугун,  
Шеърлар ўқишайлик,  
                    вақтидир айни.  
Дўстлар кафилини  
                    олмасдан бутун,  
Синашиб кўрайлик  
                    расмана,  
                    майли.  
Ёдингизда борми  
                    ёшлик?  
                    у тўлқин?  
О, барин унутмоқ  
                    инсофдан эмас.  
Хўш,  
                бугун  
                    даврада кимдир пешталқини:  
Кўряпман,  
Барингиз тайёр бу нафас.



Куламиз —

пешталқин  
хамма бу ерда,

Талқин этмоққа шай  
барча ўзини.

Хор бўлиб куйламоқ  
маънисиз шеърда,

Елғиз  
Айтсин шоир  
Айтар сўзини.

«Билармонлик» дерлар  
буни бошқалар,  
Бу, ўзин билганга,  
ниқобдир фақат.

Билмаслар,  
шубҳада ёнганинг улар

Нечоғлик азобдир

Шоирда

Меҳнат.

Қозоқ шоирлари,  
дўстлар, бу элда

Бизларни куйдирур  
фақат бир қуёш,

Қуёш бир хил ботар,  
отар бир хилда,

Мен Волга чўлидан,  
асли, бовурдош.

Абдилда,  
куйлагил,  
қувонч ила ғам,

Жубан,  
Белградда

шодмон икковлон.

Қозоқ шеъри  
Русча жаранглаган дам,  
Олқишлар учган дам  
Турдик ёнма-ён.  
Куйла,  
Менинг эски дўстим,  
Қалижон,

Сирбой,  
овозингда бор-да, бир сеҳр!

Ташаккурим сенга,  
Дўсти дили жон,  
Шаънимга  
Битибсан  
Алангали шеър!  
Бармоқларим букиб,  
дўстларни санай.

Олиздаги дўст ҳам —  
нечоғлик яқин!

Даврамизга келсин  
ул буюк Абай,

Жирлари  
Бургутдай

елқанот оқин!

Фориғ бўлмагай ҳеч хаёлимиздан,  
Едимизда тургай устоз,  
бу рост гап.

Қулагерни<sup>1</sup>,  
ёши улуғроқ биздан —  
Жонсуғуров  
қўйсин қозикқа бойлаб.  
Шеърлар ўқишайлик,  
вақтидир айна,  
Мана  
Мушоира.  
Бошлансин бирров.  
Ҳаёт тағин бизга сабоқ бер, майли,  
Шеърят, қабул эт!  
Шу, бизга сийлов!

1968

---

<sup>1</sup> Қулагер — И. Жонсуғуровнинг шу номдаги поэмаси қаҳрамони оқин Оҳаннинг тулпори.

## ҚИШ

Музлаган новдадай  
бир қиз,  
мўртгина,  
Қор босган кўчада  
кетиб боради.

Ўйлайман:  
ким севар у қизни,  
яна —

У билан  
ким бахтин  
баҳам кўради,

Қим  
шерик айлайди  
умрига уни,  
Аччиқ-чучукни ҳам тотийди бирга.  
Ут кечиб,  
сув кечиб,  
ёниб, гоҳ тўниб  
Олисдан келади у турган ерга..

Сен каби  
у қиз ҳам  
тавишларга бой,  
Югур-югурлардан  
чиқмайди боши.

Мен каби,  
йигити уни ҳойнаҳой,  
Қидириб келмоқда  
элро,  
шошиб.

Уларнинг орзуси —  
ошгай амалга,  
Ҳаёт наъшасини  
суришгай абад...

Қор босган кўчада,  
алламаҳалда  
Йигити келмаган  
қиз кетар фақат.

Бу, сен-ку!  
Тўхтагил!  
Мен сени, ёрим,

Изладим  
жангларнинг  
сурони аро.

У йигит —  
бу, менман!  
Қайтгил, баҳорим,  
Эй, умри бемисол,  
Ишқи бебаҳо!

Энди биз — биргамиз,  
борлиқ,  
қулоқ сол!  
Қўрқиб исимоқдан,  
лом-мим демас қиш,  
Тўйнинг йўрмадўзи  
сочиғи мисол,  
Бўғотдаги  
қорлар гулида —  
балқиш...  
Сени хаёлимда хотирлаб қолдим,  
Висол опимиз бу,  
эмасдир ҳижрон.

Музлаган новдани  
қўлимга олиб  
Иситиб қўйсайдим,  
дилда шу армон.

1946

## ИЛК СҮЗЛАР

Ҳамма ёқ навқирон.  
Ҳар ён яп-янги,  
Ниҳолнинг барқ уриб ўсган онидай,  
Асрлар қаъридан куйинг жаранги  
Қулоққа келади — киши жонидай,  
Сен яшил воҳасан ҳаёт яшнаган,  
Қумни кесиб борар ям-яшил дамнинг  
Тахиатош бўйида одим ташлаган  
ГРЭС қадамидай дадил қадамнинг.  
Шода-шода гулли новдасан гўё,  
Ёйинки ниш уриб чиққан гўзасан.  
Баҳорсан, ижодсан, янги бир дунё,  
Ободсан, озодсан ҳамда гўзалсан!

Кечир, қорақалпоқ, мен фавқулодда —  
Бошладим сенга бахш бўлган илк сўзим.  
Ҳаётдай салмоқдор, оддий ва содда  
Сўзламоқдан сабоқ берасан ўзинг.  
Дилда меҳринг тўлқин уриб, порлади,  
Нукус, жамолига мен бўлдим ошиқ.

Шоирлар даврага мени чорлади,  
Бирга ўтиришиб янгатдик қўшиқ.  
Камтарин, доно халқ саховат билан  
Менга чўзди дўстлик қўлини шунда.  
Баҳор тошқинидай шижоат билан  
Вужудимга оқди ҳаёт бахш шуъла,  
Кечув иштиёқи жўшиб дилимда  
Аму соҳилида бахтиёр юрдим.  
Феълига яқинлик кўрдим феълимда,  
Қалбида қалбимга бир мослик кўрдим.  
Чимбой кўчасида юрдим шод-хандон,  
Олар эди яшил толлар кўзларни.  
Шохларин инсонга этиб армуғон,  
Янги новдаларин кўкка чўзарди.  
Мени ҳам ўргат, деб ундан сўрадим,  
Абадийлик сирин билайин, токи.  
Истардимки, ерининг буюк қудрати  
Менинг ҳам умримни этолсин боқий.  
Орзум, қуёшингда тўйиб чўмилиб,  
Қизғин тошларингдан баҳра олса жон.  
Истардим, қаторда шоиринг бўлиб,  
Қуйласам мадҳингни, Қорақалпоғистон.  
Мен Волга устидан ўтаётганда  
Қайноқ кафтларингни ёдга оларман.  
Баҳоринг тафтини ҳис этиб танда,  
Унинг зўр мавжларин дилга соларман.  
Сахро четидаги кўм-кўк тўлишган  
Денгиздай осмонинг дилга қилгум жо,  
Қизил байроғинга йўл бўлиб тушган  
Мовий, кўк рангни ҳам унутмам асло.



## ДОВОНДА

Ҳазил эмас довонга чиқмоқ,  
Бўлганмисиз  
Довонда бир бор?  
Сўл тараф — жар,  
Унг тарафинг — чоҳ,  
Турган жойинг эса  
тангу тор.

Энг тепада,  
пойинг узра тоғ,  
Серрайганча турасан ҳайрон  
Ораликда  
танҳосан бу чоғ,  
Узоқдир ер,  
Узоқдир осмон.  
Билолмайсан,—  
дилда не аён:

Журъат?  
Ҳадик ёгарми тирнаб?  
Учармисан  
юксакка томон,

Кулармисан  
    пастликка қараб?  
Билдлмайсан —  
    боқиймисан,  
        йўқ.  
Утрикчими,  
    ҳақгўймисан ё?  
Шарафлардан умрингми ёруғ?  
Гийбатлардан  
    юзингми қаро?  
Ҳар нарса ҳам  
    қўлдан келур гоҳ,  
Гоҳи эса ожизман тамом.  
Гоҳ барчадан қарздорман тоғ-тоғ,  
Гоҳ қарзчиман  
    хулласи калом...

Садо қилсам  
    агар шу нафас,  
Ииғими, ё кулгу биланми,  
Ер не дегай,  
    нечук бергай сас —  
Сукутми,  
    ё гулу биланми?  
Коинотга  
    қичқиргим келар:  
— Эҳ-ҳей! — дебон.  
Аммо ҳадик бор,  
Овозимдан  
    титраб қоялар,

Кўчиб тушар  
уям-уям қор...

Кўп туйғулар  
жўшди ўйимда,  
Ўз-ўзидан,  
қўққисдан,  
ажаб.

Ҳов текислик  
ётар қуйида,  
Ушалмикин  
барига сабаб?

Ер кўриниб  
турар довондан,  
Кўз илғамас,  
олис ва қия.

Довон узра  
чиққани онда,  
Одамларга лозим  
қатъият.

— Шундоқми?  
— деб сўрайман дарҳол,  
Тоққа чиқиб  
келар замоним.

— Шундоқ эмас?  
— саволга савол

Қайтарурлар  
шошиб шу они.

Бу — умр,  
бу довонда асли  
Кўзларингни яширмай зинҳор,

Шундоқми,  
ё шундоқ эмасми —  
Қатъий жавоб  
бермоғинг даркор...

О, чўққилар синови,  
даҳшат,  
Бориб турган азобсан,  
азоб.

Пастда  
шовқин-суронлар қат-қат,  
Бунда эса  
Сас,  
Сас йўқ ҳисоб.

Пастда  
ишқ-дард кулгусига мен  
Боқар эдим,  
кўрмайин бироқ —  
Суюклигим  
кўз ёшларин, денг,  
Юрагига  
солардим  
титроқ.

Пастда  
қумсаб ёлғизликни  
бот,

Қочар эдик  
сукунат сари.

Ёлғизликдан  
бунда дейсан дод,

Увушганча дилинг  
қатлари...

Гўё  
чақмоқ ургандай паррон.  
Жўшасан гоҳ,  
тортасан юввош.

Гоҳ буюксан,  
гоҳ эса зарра,

Гоҳ кексасан,  
Гоҳ навқирон, ёш.

1966

## СЕНГА, ОНА-ВОЛГА

Гангда ҳам бўлганман  
Хотирда ҳамон,  
Чертганман куйловчи  
ГОНга торини.  
Сув босган жойлардан  
Утганман чунон,—  
Пальмада Меконга  
Кенглик ерини.

Чўмилганман муздай  
Зилол сувларда,  
Ажиб кунлар эди —  
Жуда бебаҳо.  
Шўнгиб ҳам кетганман  
Буғли сувда яйраб,  
Барчаси, барчаси  
Эсимда аммо.

Эсла, эй, хотирам,  
Эслаб кўр қани,

Унутиб бўларми  
Буни бир умр:  
Янцзи ва Сенани,  
Мовий Дунайни,—  
Не-не дарёларни  
Кечганман мағрур.

Совуқ гап-сўзларга  
Сира йўқ ҳушим,  
Дунё дарёлари  
Бағоят гўзал!  
Учаман, кезаман,  
Юрмоқ — юмушим,  
Толиқмай ер узра  
Ҳамиша, ҳар гал.

Билмадим, не учун  
Сенда хаёлим,  
Ва ўйлайман фақат  
Сенинг тўғрингда.  
Қайси юртда бўлмай,  
Тушмасин йўлим,  
Фақат сен яшайсан  
Қалбим — туйғумда.

Туш янглиғ ўтиб ҳам  
Кетгуси ҳижрон,  
Ҳар нечук айрилиқ,  
Пичирлашувлар.  
О, сен, она-Волга

Ёнимда ҳамон,  
Сен танҳо мен билан —  
Қалбим олқишлар.

Хушлашмас, парвозим  
Кўчажак енгил,  
Ва қайтиб келаман  
Бахтиёр ва шод.  
Шу билан тирикман  
Бир умр, билгил,  
Сен билан яшайман  
Бахтли, умрбод!  
Сен менга масъулсан,  
Биламан ҳар дам,  
Шараф борми менга  
Бундан зиёда.  
Менинг азобим ҳам,  
Менинг тузим ҳам,  
Ва ноним ҳам  
Сенсан ёруғ дунёда!

1967



## ҚАЙТИШ ДОСТОНИ

Мен юксақдан келардим пастлаб,  
Яқинлашар чегара мана.  
Оппоқ тоғлар  
Қуёшда яйраб  
Айланарди пастда расманә.

Бўлиб борар тоқатим ҳам тоқ,—  
Кўринарди кўзимга бари:  
Қўлларингда  
        югурган  
        титроқ,  
Настеньканинг  
        жажжи  
        кўзлари,  
Москванинг ёнбошида жо —  
Шереметьев даласи,  
        яна  
Қорли хушрўй ўрмонлар аро  
Оппоқ қайин —  
        у оппоқ сийна.

Ҳануз қалбим куйдирар ёмон  
Иссиқ юртлар жазирамаси,  
Кўз ўнгимда

чангалзор ҳамон,

Қулоқда —

ёт оламлар саси.

Кўп ғаройиб эди бу дамда

Қорни кўрмоқ!

Наздимда,

қиш,

ёз

Учрашдилар

шундоқ елкамда,

Кўйлагимнинг ичида рўй-рост.

Ортда қолди парвозлар қанча,

Не самолёт,

Не он,

Не айём,

Замин сари мен талпинганча

Бормоқдаман,

Шу, дилдаги ком.

Хўп соғинган кўнгилнинг майли

Зўр экани шундан ҳам аён:

Булутларга,

дер,

қулай майли,

Тушай,

оппоқ силсила томон!

Қор,  
    қор, дердим,  
            лекин агрофда  
Юзиб борар бари,  
    барчаси.  
Ойна узра синар  
    шу тобда  
Учиб юрган булут парчаси.  
Юрагимда  
    шодлик уйғонар:  
Мен уйдаман!  
Жонажон юртда!  
Кўз ўнгимда  
    нур сочиб ёнар  
Қанотдаги тўртта ҳарф,  
    тўртта!  
Патнис олиб стюардесса  
Тез олдимга  
Ёзар дастурхон.  
Ярашмайди, қорин тўқ, десанг,  
Тановулга киришдим аълон.  
Теваракда булутлар,  
    гўё  
Меҳмон қилар тангрилар ўзи.  
Иўлда тушлик —  
    бамисли рўё:  
Бир пайт боқсанг  
    қолмайди изи.  
Қўл сочиқлар — базмий,  
    шукуҳвор.

Туз.  
Ғазаби пинҳон қалампир.  
Ялт-юлт қопчиқ  
ичра не сир бор?  
Ҳаяжонга солганди бу сир.  
Мен қопчиқни очурман шодон,  
Шошиламан...  
Очган замоним  
Ҳидлайман  
соф,  
қора,  
жонажон —  
Волга мисол яқин  
рус нонин!  
Унутмасман  
Вьетнам гурунчин,  
Сувда ўсиб  
улғаяди у,  
Қуёш эса  
бериб бор кучин  
Тепасидан тўкади ёғду.  
Биз дўстликка содиқмиз азал.  
Ёмғир фасли —  
Ҳотирамда бор,—  
Банан шовла едим бир маҳал,  
Болаларнинг сафида қатор.  
Саховатли эрур Бирма ҳам,  
Камбоджа-ю  
Рангун,  
Мандалай

Бор гурунчи кўрарди баҳам,  
Қараб турмас эди, ҳарқалай.

Келар,

гонгдай садо уфурган  
Қўшиқларнинг жарангли саси —  
Сувларини

тескари бурган  
Меконганинг  
тошқин ҳаваси.

Гарчандки мен  
рус ёзин  
аъло —

Синаб кўрган,  
синоқли инсон,

Қиш кунлари,  
зўр-базўр хурмо  
Соясида сақлай олдим жон.  
Ҳаяжоним билмас эди ҳад,  
Кимдир  
мени шод бўлсин, дея,  
Олсин, дея, дили фароғат,  
Кокос сутин  
этса ҳам ҳадя.

Йўқ!

Камбоджа гурунчин зинҳор  
Камситмоқлик фикри йўқ менда.  
Нону

гурунч  
монандлиги бор,

Қарздормен,  
                  Камбоджа,  
                  сендан!  
Кўп нарсани эсламоқ учун  
Хаёлларим  
Чоғлайман бу он:  
Миннатдорман,  
                  Сиём гурунчи,  
Мени роса айладинг меҳмон!  
Бунда —  
                  сурон кўтарганлармас,  
Еки,  
                  ковуш қайтарган  
                  солдат,—  
Мени меҳмон этишмади,  
                  бас,  
Гурунч меҳмон айлади фақат!

Кун-тун демай,  
Йўлларда,  
Қатъий  
Мени пойлаб  
                  юрганлар эмас,  
Гурунч  
                  менга карам айлади,  
Меҳмон қилди  
                  ўша мени, бас!  
Индамайман.  
Аралашмайман.

Шолизорлар,  
эсиз,  
оҳ, эсиз!  
Мен Бангкокка  
боқиб англайман:  
Гўзаллиги бежизмас,  
бежиз!  
Маъракасин қилар халқ ўзи,  
Бу-чи,  
кетди қаҳрим уйғотиб:  
Америка  
этигин  
изи  
Қолмиш  
Сиём кифтига  
ботиб.  
Нон айтарки:  
— Эсла, эсла боз!  
Хотирамдан чиқармиди,  
оҳ!  
Қора қўлда  
оқариб рўй-рост  
Оппоқ гурунч товланар,  
оппоқ!  
Ҳа, оқ гурунч —  
ноннинг ҳамрози!  
Иккиси ҳам  
Ердан баҳр олар.  
Ҳинд гурунчи  
меҳмоннавозий

Мени уйга кузатиб қолар.

Уйга,

уйга,

тез — мағриб ёққа!..

Шовқин-сурон ичида шу он,

Ноннинг ҳиди

уриб димоққа.

Хотирамни

айлади бир ён.

Қора ноним!

Очлик йиллари

Шўрлик Волга

егандай ўлан,

Болалигим эслаган сари,

Сени ейман

иштаҳа билан.

Парвоз ичра

мени энг аввал

Қарши олди

нон,

нон,

қора нон.

Бола эдим,

менга бир маҳал

Жон ўрнида

у бўлганди жон.

Мана,

кўриб турибман аён:

Илк трактор солур гулдурос,



Шудгор бўлди  
ёвшанзор томон,  
Айни эди жазирама ёз.

Кейин эса  
у йиллар бир-бир  
Кўз олдимдан ўтдилар қатор.  
Қўлимда  
нон турибди ҳозир,  
Туришида  
виқор  
барқарор.

Ноним!  
Баъзан  
қаровсиз қолдинг,  
Чўнтакларда,  
қопнинг тагида,  
Сени қучиб  
жангчилар ўлди  
Сталинград елвизагида.

Дегча тутиб  
тизда —  
қияда  
Қора нонни едик ҳаммамиз,  
Чайла узра  
Финляндияда  
Кун кечирган Ленин каби  
биз.

Фронт нони,  
Қани ўзинг айт:  
Нечоғлик сен  
                                бизга қадрдон?

Сен —  
                                мисоли Кремлда  
  бир пайт

Паёк билан  
                                Ленин олган  
  нон.

Увоқларга қўл тутиб,  
                                ёниб,  
Бўлдик, жангда  
                                зафарларга ёр.

Сен  
                                даврдай айқирдинг,  
  ноним,

Билсам,  
                                сенда  
  буюк қудрат бор!

Бугун чек йўқ эрк-бардошингга,  
Қайга бормай,  
                                биргасан, номим.

Бирга бўлдик  
                                гурунч қошида

Ер тўлишиб,  
                                етилган они.

Кеча,  
                                бугун,  
  эрта сасида

Юртим нони,  
    биргамиз, якдил.  
Сен,  
    фазогир кабинасида  
Ой томонга қараб  
    уча бил!  
Уйга,  
    уйга...  
    Қуйида аёз,  
Ноябрнинг қори жилвагар.  
Қиш кеч келур қошимга,  
    бу рост,  
Шошилмайин  
    ташлабон лангар.  
Қайтишда бор доим ғалат сир,  
Елар эдим,  
    эртақларга хос.  
Лаҳзаларда  
    алмашур бир-бир  
Оби-оташ,  
    совуқ ва  
    аёз...  
Учмоқдаман,  
    дала-ю ўрмон  
Пастда ётар,  
    ўралиб оққа.  
«Ил-18» силкинди шу он,  
Қадам қўйди  
    она тупроққа.  
Шанғилларди қулоғим ҳануз.

Шарт тураман,  
      ечиб камарни.  
Азиз дўстлар!  
      Қабул айлангиз!  
Ер!  
Қабул эт,  
Марди сафарни.  
Қиш осмони остида  
      мендан  
Дариф тутма  
      меҳрингни асло.  
Буюк нонни  
      тилайин сендан,  
Бахтли дамлар  
Дилга этгил жо.  
Кетдим  
Уйга —  
      Ватанга,  
      ёҳу!  
Унут бўлган  
      дудоқлар сари.  
Уйга!  
Қолсин етти афлоку,  
Самолару,  
Денгизлар бари!

1962

## МУНДАРИЖА

Дўстлар учрашуви ( <i>Мақоладан парча</i> ). <i>Иброҳим Фафуров таржимаси</i> . . . . .	5
Берлинда 9 май. <i>Асқад Мухтор таржимаси</i> . . . . .	11
Фронт шеърлари. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	15
Нон йили. <i>Нормурод Нарзуллаев таржимаси</i> . . . . .	18
Пахта. <i>Жуманиёз Жабборов таржимаси</i> . . . . .	21
Саша Шчукинга. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	25
Настенькага хат. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	23
Офтоб қасидаси. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	29
Висол кунлари. <i>Асқад Мухтор таржимаси</i> . . . . .	31
Апрель. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	33
Баҳор. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	35
Сен. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	38
Куз. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	42
Йўл. <i>Нормурод Нарзуллаев таржимаси</i> . . . . .	44
Ҳамзанинг ўлмаслиги. <i>Жуманиёз Жабборов таржимаси</i> . . . . .	46
Келаман. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	48
Грузин шоирларига. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	51
«Сен турган жой кўп олис эди-да...» <i>Асқад Мухтор таржимаси</i> . . . . .	56
«Исминг нима...» <i>Сайёр таржимаси</i> . . . . .	59
Китобадаги ёзув. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	61
Ёз. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	64
Менинг уйим. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	68

Мушоира. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	72
Қиш. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	76
Илк сўзлар. <i>Жуманиёз Жабборов таржимаси</i> . . . . .	79
Довонда. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	81
Сенга, она-Волга! <i>Нормурод Нарзуллаев таржимаси</i> . . . . .	86
Қайтиш достони. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> . . . . .	89

*На узбекском языке*

МИХАИЛ ЛУКОНИН

## СТИХИ — ТОВАРИЩИ

Стихи

*Перевод с издания «Избранные произведения» в 2-х томах, изд. «Художественная литература», М., 1973.*

Редактор Рауф Парфи  
Рассом Г. Жирнов  
Расмлар редактори Н. Холиқов  
Техн. редактор Э. Саидов  
Корректор Ш. Соатова

Босмахонага берилди 5/XI-1975 йил. Босинга рухсат этилди 25/I-76 йил. Формати 60×90/32. Босма л. 3.25. Шартли босма л. 3.25. Нашр л. 3.2. Тиражи 10000.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 83—75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Янгийўлдаги 2-босмахонасида № 1 қозоғга босилди. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. 1976 йил. Заказ № 12. Баҳоси 37 т.

**Луконин М.**

Шеърларим — ўртоқларим. Шеърлар. Т.,  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

104 б.

СССР Давлат мукофотининг лауреати рус совет шоири  
Михаил Лукониннинг шеърлар китоби нашр этилмоқда. Ушбу  
китобда шоирнинг турли йилларда ёзилган шеърларидан на-  
муналар киритилди. Улар орасида айниқса, Улуғ Ватан уру-  
ши мавзуидаги шеърлар диққатга сазовордир.

Луконин М. Стихи — товарищи. Стихи.

P2

№ 825—75

Навой номли ЎзССР

Давлат кутубхонаси

Тираж 5 000

Тираж карт. 10 000